

Ривожланган хорижий мамлакатларда таълим тарбияни ташкил этиш тажрибалари



Режа:

1. Жаҳон таълим тизими фанининг мақсади ва вазифалари.
2. ЮНЕСКО ташкилотининг таълим соҳасидаги фаолияти.
3. ЮНИСЕФ, МОТ(ХМТ) халқаро ташкилотларининг вазифалари ва таълим-тарбия жараёнлари юксалишидаги ўрни.
4. АҚШ нинг “Тинчлик корпуси” ва унинг иш фаолияти.



- “Жаҳон таълим тизими” курсининг **мақсади** – таълим назарияси ва амалиётини ривожлантириш борасидаги халқаро тажрибани объектив ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш. Бу фанда ҳозирги замон жамияти талабларига жавоб берувчи мустаҳкам методологик база ҳали яратилганича йўқ.
- Курснинг **вазифалари** чет элда таълим ва тарбия соҳасида юз бераётган жараёнларни ўрганиш, педагогик ҳодисалар ва тенденцияларнинг ижобий ва салбий томонларини миллий педагогика ва таълим тизимининг ривожланишини такомиллаштириш йўлидаги изланишларнинг омили сифатида аниқлашдан иборат.
- Айни пайтда, бу курснинг аниқ белгиланган ўз **тадқиқот предмети** бор – бу жаҳон мамлакатларининг таълим тизимлари. “Жаҳон таълим тизими” курсининг фанлараро хусусияти тарих, сиёсатшунослик, социология, иқтисод каби фанларнинг муаммоларига мурожаат этишни тақозо қилади. Бу фанлар ёрдамида олимлар айрим мамлакат, минтақа доирасида, бутун дунё миқёсида таълим ва тарбия тизимлари ривожланишининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари ва тенденцияларини ўрганадилар, уларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлайдилар.

Курснинг *асосий вазифаларига* қуйидагилар киради:

- турли мамлакатларда таълимнинг ривожланиш жараёнида ижобий ва салбий томонларни аниқлаш;
- таълим соҳасида ижобий ва салбий ҳодисалар юз беришини белгиловчи ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитлар ва омилларни аниқлаш;
- бу ҳодисалар мамлакат, минтақа, бутун дунёнинг ижтимоий ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш;
- таълим тизими ёки унинг айрим элементларини бошқа мамлакат шароитларига кўчириш оқибатларини прогноз қилиш.

Қиёсий-педагогик тадқиқот методлари

- ривожланиш тенденциялари ва зиддиятларини аниқлаш;
- таълимни янгилаш механизмларини белгилаш;
- мазкур ривожланишга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;
- энг самарали тажрибани танлаб олиш, уни ўзлаштириш ва амалда қўллаш имкониятини беради.

ЮНЕСКО

- ЮНЕСКО- бу ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан, маданият масалаларини ривожлантиришга ихтисослаштирилган ташкилоти бўлиб, у 1946 йилда ташкил этилган.
- 1992 йилги маълумотларга қараганда, бу халқаро ташкилотга жаҳоннинг 171 давлати, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзодир.
- Бу ташкилотнинг қароргоҳи Франциянинг пойтахти Париж шаҳрида бўлиб, унинг олий бошқарув органи — Бош директордир.



- ЮНЕСКО фаолиятида халқаро ҳамкорлик, тинчликни сақлаш масалалари асосий ўринни эгаллайди. Шу тўғрисида ҳам унинг Низомида “Уруш ҳақидаги фикрлар одамлар ақлида пайдо бўлади, бинобарин, уруш васвасасини уларнинг онгидан чиқариб, тинчликни ҳимоя қилиш ғоясини тарбияламоқ керак” - деб ёзиб қўйилган.

ЮНИСЕФ

- ЮНИСЕФ 1946 йилнинг 11 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг биринчи сессиясидаёқ бир овоздан ЮНИСЕФ — БМТнинг Фавқулодда Болалар Фонди номи билан таркиб топди.

- ЮНИСЕФ ташкил топган дастлабки йилларда уни маблағи урушдан қаттиқ жабрланган Европа ва Хитойда болаларга озиқ-овқат, дори-дармонлар учун сарф қила бошлади. 1950 йил декабрда БМТ Бош Ассамблеяси ЮНИСЕФ ваколатини янада кенгайтирди. Унинг маблағлари ривожланаётган давлатлардаги сон-саноксиз болалар учун сарфлайна бошлади.




- 1953 йилнинг октябридан БМТ Бош Ассамблеяси ЮНСЕФни ўзининг доимий органига айлантирди. Энди у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар фондига айлантирилди. Лекин унинг кафолатлари ва вазифалари тўлалиги сақлаб қолинди. 1960 йиллардан бошлаб ЮНИСЕФ болалар манфаатини глобал ҳимоя қилувчи забардаст органга айланди.

- Ҳозирги даврда ҳам ЮНИСЕФ болалар манфаатини ҳимоя қилишга, уларни соғлом, ўқимишли бўлиб ўсишларига кўмалашиш, болалар ўлимини олдини олиш, оммавий қирғин келтирувчи ва бошқа хавфли касалликлардан муҳофаза қилиш оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, лоақал қизлар ҳамда ўғил болаларга бепул бошланғич маълумот бериш, улар фаровонлигини таъминлаш ишларига асосий эътиборни қаратмоқда.

МОТ(Халқаро меҳнат ташкилоти)

- МОТ (ХМТ) Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, уларнинг меҳнат турмуш шароитини яхшилаш, иш билан таъминлашни йўлга қўйиш, меҳнаткашларнинг жамият талабларига мос касб билан таъминлаш уларнинг касб маҳоратларини ошириш, иқтисодий аҳволини яхшилаш каби ижтимоий адолат тамойилларини амалга оширувчи халқаро ташкилот — МОТ (халқаро меҳнат ташкилоти) биринчи жаҳон урушидан кейинроқ ташкил этилган эди.



- Унинг ташкил этилишига биринчи жаҳон уруши оқибати, жаҳонда юзага келган ижтимоий-иқтисодий ҳолат сабаб бўлди. Чунки жаҳонда рўй бераётган барча ижтимоий иқтисодий ислоҳотлар жаҳон миқёсида акс этмоғи кўзда тутилган эди.
- ХМТнинг энг ноёб хусусияти шундаки, унда иш берувчилар ва меҳнаткашлар иқтисодиётда ижтимоий ҳамкорлигини шакллантиради давлат муассасалари билан тенг ҳуқуқ, ташкилотнинг сиёсати ва фаолияти дастурини ишлаб чиқишда иштирок этади.

У ҳозир қуйидаги вазифаларни бжармоқда:

- 1. Меҳнаткашларнинг иш шароитини ва турмуш тарзини яхшилаш, ишга жойлаша олиш қобилиятини ошириш;
- 2. Халқаро меҳнат нормативларини жорий этиш, уни қўлланишини назорат қилиш;
- 3. Кенг кўламда халқаро техник-технологик ҳамкорликни йўлга қўйиш, бу соҳада давлатлар ўртасида фаол ҳамкорликни ва бу сиёсатни самарали амалга оширишни йўлга қўйиш;
- 4. Профессионал тайёргарлик, ҳунар-техника таълими умумий тадқиқотлар, нашриётлар соҳасида фаолият кўрсатиш ва хоказолар.

Тинчлик корпуси

- Президент Жон Ф. Кеннеди 1961 йилнинг 1 мартида ўзининг махсус фармони билан Тинчлик корпусини ташкил этди. Унинг вазифаси эса, бир-бирини ўзаро тушуниш орқали ҳар хил миллат кишиларининг ўртасида тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашдир. Тинчлик Корпуси — Америка Қўшма Штатларининг мустақил ҳукумат муассасаси, Президент Ижроия комитетига ҳисоб берувчи ҳукумат ташкилотдир.
- Бу ташкилот сиёсий ташкилот эмас. Уни маблағ билан АҚШ Конгресси таъминлайди. Тинчлик Корпусининг раҳбари Президент томонидан тайинланади, унинг кўрсатмаларига мувофиқ ишлайди, унга ҳисоб беради.

ТИНЧЛИК КОРПУСИНИНГ УЧ МАҚСАДИ

- 1. Муҳтож мамлакатлар ва уларнинг фуқароларига юқори малакали мутахассислар билан ёрдам бериш;
- 2. Жаҳондаги бошқа мамлакатлар ва одамларнинг АҚШ ва унинг одамларини яхшироқ тушуниб олишига кўмаклашиш;
- 3. Америкаликларга баъзи мамлакатлар ва унинг кишиларини яқиндан таништириш. Шу асосда инсонларнинг бир бирига яқинлашувини таъминлашдан иборатдир.

Уйга вазифа

Жаҳон таълими муаммоларини ечишда
йирик халқаро лойиҳалар ва дастурлар
ҳақида маълумот тўплаш, ўтилган
мавзуни ўқиб ўрганиб келиш.

Назорат саволлари:

1. Қиёсий педагогика фани тараққиётида ЮНЕСКО ташкилотининг фаолияти нималардан иборат?
2. ЮНИСЕФ ташкилотининг таълим соҳасидаги ваколатларини қандай изоҳлайсиз?
3. “Халқаро меҳнат ташкилоти”нинг кадрлар ва уларни иш билан таъминлаш масаласи доирасидаги вазифаларни қандай амалга оширади?
4. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги қандай имкониятларни яратиб беради?

манбалар

- www.edu.uz
- www.gov.uz
- www.ziyonet.uz
- www.myp.uz

